

дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Шарҳ: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг бу ҳадисларида риёкор шахслар қиёмат куни шарманда бўлишларини ажойиб услуб билан баён қилмоқдалар.

«Қачонки Аллоҳ қиёмат куни бўлишига шубҳа йўқ кунда одамларни жамласа».

Қиёмат қоим бўлишига шак-шубҳа йўқ. Бир вақт келиб, у албатта қоим бўлади. Ўша куни Аллоҳ таоло ҳамма халойиқни жамлайди. Ҳеч ким четда қолмайди. Ҳамма-ҳамма – Одам Атодан тортиб, қиёмат қоим бўлиш соатигача бу дунёдан ўтган барча одамлар тирилиб, маҳшаргоҳга йиғиладилар. Ҳамма тақдирга тан бериб, Аллоҳнинг марҳаматини интизор бўлиб кутадилар. Қилган амалларимдан бирортаси савобга илиниб қолармикан, деб умид қиладилар. Ҳамма шундай хору зорлик ҳолатида турганда бир жарчи ҳаммага эшиттириб:

«Ким Аллоҳ учун қилган амалида бошқа бировни шерик келтирган бўлса, савобини Аллоҳдан бошқанинг ҳузуридан талаб қилсин, Аллоҳ шериклардан энг беҳожат зотдир», деб нидо қилади».

Демак, ким риёкорлик қилган бўлса, ўша амали эвазига қиёмат куни Аллоҳдан ажру савоб оламан, деб умид қилмасин. У ўз амалига ўша рози қилмоқчи бўлган одамларидан – мансабдорни рози қиламан, деган бўлса, мансабдордан, яна бошқа кимнидир рози қилишни ният қилган бўлса, ўшалардан савоб кутсин. Уларнинг ўзлари ёрдамга муҳтож бўлиб турибдилар-ку, қандай қилиб бошқанинг ташвишини қила олар эканлар?! Аллоҳ шерикка ҳожати йўқ зот. Кимки унга ўз амалида шерик келтирган бўлса, Аллоҳ таоло ундан ҳам, амалидан ҳам воз кечади. Уни ҳам, амалини ҳам тарк этади.

Қиёмат куни шарманда бўлмайлик, десак, ихлос билан, риёсиз, фақат Аллоҳ таолонинг, ёлғиз Ўзининг розилигини кўзлаб иш қилишга одатланайлик, ушбу ҳадисга қатъий амал қилайлик!

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди